



BUXORONING JAHON MADANIYATIDAGI O`RNI

RESPUBLIKA MIQYOSIDAGI
ONLAYN ILMIIY-AMALIY
KONFERENSIYA

2020,
27-aprel

KONFERENSIYA
MATERIALLARI



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

**“БУХОРОНИНГ ЖАҲОН
МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ”**

*мавзусидаги Республика миқёсидаги онлайн илмий-амалий
анжуман*

МАТЕРИАЛЛАРИ

БУХОРО – 2020

Илмий – амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2020 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги № 56-ф сонли фармойиши асосида Бухоро давлат университетида 2020 йилнинг 27 апрель куни **“Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни”** мавзусида Республика миқёсида **онлайн** илмий-амалий анжумани белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Масъул муҳаррир:

БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Ҳ.Ҳ.Тўраев

Таҳрир ҳайъати:

Бухоро давлат университети ректори,

иқтисод фанлари доктори

О.Х.Ҳамидов

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,

иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

О.С.Қаҳҳоров

доцент

Тарих ва маданий мерос факультети декани в.в.б.

Ж.Р.Жўраев

Бухоро тарихи кафедраси мудири в.в.б. тарих

фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ф.У.Темиров

Бухоро тарихи кафедраси доценти,

тарих фанлари номзоди

М.Б.Қурбонова

Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Д.М.Жамолова

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

Темиров Ф.У. – Бухоро тарихи кафедраси мудири в.в.б., т.ф.ф.д., (PhD)

Болтаев А.Ҳ. – Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мубинов М.А. – Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

*Илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилаётган
мақола ва тезислардаги матн, манба ва адабиётлар учун
муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар*

**БУХОРО ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА
ТАРИХШУНОСЛИГИ 132**

Ahmadov A.A. XIX ASR MANBALARIDA AFG'ONISTONNING BUXORO VILAN	132
Аҳмедов Б. “АЛ-ҲИДОЯ” АСАРИНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ НУСХАЛАРИДАН.....	138
Алимова Р.Р. ҲОФИЗ ТАНИШ АЛ-БУХОРИЙНИНГ “АБДУЛЛАНОМА” АСАРИ БУХОРО-ҲИНДИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ БЎЙИЧА МУҲИМ МАНБА.....	142
Болтаев А.О. БУХОРО ВА УНИНГ НОМИ МАЪНОЛАРИ ҚАДИМГИ МУАРРИХЛАР НАЗДИДА.....	148
Болтаев А.Ҳ. БУХОРО ШАҲРИ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	155
Джураев Ш.Г. Б.А.КАЗАКОВ – ЗНАТОК БУХАРСКИХ СВЯЩЕННЫХ МЕСТ	160
Иминова Д.М. XIX АСР РУС ШАРҚШУНОСЛИГИДА БУХОРО ТАРИХИНИ	164
Исакова М.С. ҚОРИ РАҲМАТУЛЛОҲ ВОЗЕҲ ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ.....	167
Кличев О.А. АМИР АБДУЛАҲАД ВА ИМПЕРАТОР АЛЕКСАНДР III МУНОСАБАТИ.....	171
Каландарова Ф.А. БУХОРО ТАРИХИНИНГ МИРЗО СОМИЙ АСАРЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ.....	175
Курбанов Г.Н. ПЕЧАТИ БУХАРСКОГО ХАНСТВА В КОЛЛЕКЦИЯХ МУЗЕЕВ УЗБЕКИСТАНА И СНГ	178
Мухамеджанова Л.П., Шукруллаев Ю.А. САДРИ ЗИЁНИНГ ШАХСИЙ КУТУБХОНАСИ - БУХОРО ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА.....	181
Нажмиддинов З. “Саҳиҳ ал-Бухорий” ровийларининг хорижда ўрганилишига қисқа назар.....	186
Рахимджанова Н. Аҳмад Донишнинг тарихий асарларида Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ёритилиши.....	191
Раҳимов К. VIII–XII АСРЛАРДА БУХОРОДА ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ...	195
Садуллаева В. БУХОРО ТАРИХИ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ МАСАЛАЛАРИ ХОРИЖЛИК ТАДҚИҚОТЧИЛАР ТАЛҚИНИДА	211
Таниева Г.М. А.А.СЕМЕНОВ АСАРЛАРИНИНГ СОВЕТ ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ	215
Тоғаева А.З. МАНБАЛАРДА БУХОРО ШАҲРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТИББИЁТИ ВА САНИТАР АҲВОЛИ ТАЛҚИНИ.....	219

Шунингдек, империя пойтахтида нашр этилган газета сонларининг бирида Амир Абдулаҳаднинг Санкт-Петербург шаҳридаги темирйўл бекатидан Бухорога қайтиши тафсилотларини ажойиб кузатув характериға эға маълумот сифатида қабул қилишимиз мумкин.

"Амир ўз ўғлини бағриға босиб "Менинг йўқлигимда ҳукмдор император ва қиролича ҳазрати олиялари сен учун ҳам ота ҳам она бўладилар. Оллоҳим буюқдир, у сени ёлғизлатмайди". Шунда хонаға (темирйўл бекатидаги Император хос хонаси - О.К) стат маслаҳатчи Лессар, полковник Путьята ва Деминлар кириб келишиди. Амир Бухоро шаҳзодасини бағриға босган ҳолда меҳр кўз ёшларини артди. Хайрлашувнинг бу оғир саҳнасида полковник Путьята ва унинг ёнидагиларида ҳам кўз ёши кўринди. Амир хонадан чиққанидан сўнг амирлик амалдорлари хайрлашаётиб вориснинг пешонаси, юзлари ҳамда чопон этагини ўпишиди"¹.

Газета саҳифасидаги бу каби маълумотлар империя матбуоти амир ҳамда унинг вориси ўртасидаги муносабат даражасини, қолаверса Санкт-Петербургда мартабали меҳмоннинг энг сеvimли ўғли Император ва қиролича ҳомийлигида қолаётганлигини кўрсатишға интилган деган хулосаға келишимизға хизмат қила олади.

Амир Абдулаҳад эса ўз кундалигида ворис билан хайрлашиш воқеасини қуйидагича таърифлайди:

"Шундан сўнг, кеч соат олтида, саройдан бизни Николаев темир йўл вокзалида кутиб турган генераллар ҳузуриға ташириф буюрдик. [...] Бу ерда ворисимиз Сайид Мир Олим ихтиёрида отабеги (дятка) сифатида Усмонбек қоровулбегини, бошқа юмушлар учун эса Ҳожии Абдулатиф Латифхўжа ва Азимбой бухчабардорларни (маълум муддатға) қолдирдик. Уларнинг барчасини аввало Оллоҳ таоллоҳ, сўнгра, олий марҳамат сифатида ворисимиз тарбиясига масъул Демин ихтиёриға топширдик"².

Иккала ҳолатда ҳам амирзода Николаев кадет корпусига қабул қилиниб, унинг билим юртда таълим олишиға масъул этиб полковник Демин тайинланганлигини билишимиз мумкин.

Юқорида баён этилган фикрлар асосида қуйидагиларни билдириш мумкин:

Бухоро амирлари ўз фарзандларида ҳарбий таълим кўникмаларини шакллантириш мақсадида, уларни империяда фаолият юритган ҳарбийлашган билим юртларида ўқишларини таъминлаганлар. Амирзодаларнинг таълими билан боғлиқ масалалар ҳукуматлараро ёзишмалар ва бевосита император билан бўлган учрашувларда ҳал этилган.

¹ Хроника - Бухарский эмир // День, 1893 год 30 января (11 февраля) №1666.

² Точный перевод Дневника его светлости Эмира Бухарского / Представляет И.Гаспиринский из Бахчисарая.- Казан: Типо-литография Императорского Университета, 1894.-С.53.

Амир Абдулахад ва император Александр III ўртасидаги муносабат натижаси сифатида Саид Мир Олимнинг Николаев кадет корпусидаги таълими унинг ижтимоий ва диний мансублигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган. Мазкур масала кейинги тадқиқотимиз олдида турган вазифалардан биридир.

БУХОРО ТАРИХИНИНГ МИРЗО СОМИЙ АСАРЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

*Каландарова Ф.А.
БухДУ ўқитувчиси*

Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний(1838-1907) XIX аср охири XX бошларида Бухорода яшаб ижод етган тарихчи, адабиётшунос, шоир, хаттот, мунши ва етук луғатшунос олим ҳисобланади. Ундан айнан шу соҳаларга оид бой илмий меърос қолган. Мирзо Сомий ҳозирги Қизилтепа туманининг Хўжа Бўстон қишлоғида туғилиб, дастлабки маълумотини ўз она-қишлоғида олган. Кейинчалик таълимни Бухоро мадрасаларининг бирида давом еттириб, узоқ йиллар давомида амир Музаффар(1860-1885) саройида муншилик лавозимида ишлаган. Амир Абдулахад(1885-1910) даврида ҳам бир муддат саройда хизмат қилиб, кейинчалик маълум сабабларга кўра саройдан четлаштирилади.

Мирзо Сомийнинг шерларида, тазкира ва айниқса тарихга оид асарларида Бухоронинг бой ва қизиқарли тарихини англаб оламиз. Бухоро амирлигининг XIX аср охири XX бошларидаги, турли-туман воқеа ва ҳодисаларга йўғирилган тарихини унинг айнан 3 асари:

“Даҳмаи шоҳон”

“Тухфат-ул шоҳий”

“Тарихи салотини манғития” асарларида ёрқин акс этган.

“Даҳмаи шоҳон” (Шоҳлар даҳмаси) деб номланган 30 қўлёзма варақдан иборат асарнинг фақат охириги 12 варағи Мирзо Сомийнинг мустақил ижод намунаси ҳисобланади. Асарнинг биринчи қисмида Содиқ Мунший Жондорийнинг Аштархонийлар сулоласи вакиллари Сухонқулихондан то Абулфайзхоннинг ўғли Абдулмўмин ҳақидаги сатирик поемасини қайта кўчирган. Мирзо Сомий асарни мантиқий такомиллаштиришни лозим топади. У асарда манғит амирлари ҳукмронлигининг деярли барча даврини, Раҳимбийдан(1754- 1758) то амир Музаффаргача(1860-1885) булган йилларни қамраб олишга ҳаракат қилади.

Мирзо Сомий, Содиқ Муншийнинг “Даҳмаи Субхонқулихон”, “Даҳмаи Абулфайзхон, “Даҳмаи Абдулмўминхон” қисмларини мантиқий ривожлантиради. Шундан кейин маснавий воқеаларини бир-бирига уловчи қаҳрамони (шоир) Раҳимхон. Дониёл(маъсуми ғозий) Ҳайдар, Ҳусайн, Умар, Насруллоҳ, Музаффар даҳмалари ёнидан ўтар экан улар ҳақида бир-бир муҳокама юритади. Содиқ Жондорий каби Мирзо Сомий ҳам вафот

этган ҳукмдорларни гўридан “тирилтириб”, уларни ўзаро гапиртириш услубидан фойдаланади.

Асардаги тасвирга кўра, воқеаларни ҳикоя қилувчи қаҳрамон саёҳатга чиқиб, бир манзилга етадики, у ерда шайбоний, аштархоний ва манғит ҳукмдорларининг қабрлари жойлашган экан. Айни воқеалар тафсилоти Сомий достонида ҳам давом этади. Ҳар бир тахт соҳиби ўз умри давомида нимага эришган бўлса(ғалаба, мағлубият, савобу-увол ва ҳ.к)ўшалар ҳақида “бир-бир муҳокама юритилади”¹.

Асарда Муҳаммад Раҳимбий такаббур ва калондимоғ, шунингдек шафқатсиз ҳукмдор сифатида тасвирланган. Тахтга даъвогарлик қилиши мумкин бўлган номзодлар олдидаги қўрқув уни гуноҳсиз кишиларнинг ҳам қонини тўкиб, уларни жазолашга ундайди. Амир Насрулло эса қиёмат куни ўзининг қурбонлари билан учрашувдан қўрқиб турган ҳолда ва тунд рангларда тасвирланади.

Амир Музаффарни тасвирлашда унинг мақтанчоқлигига урғу берилган бўлиб, у асосан ҳукмронлигининг дастлабки йилларида қўлга киритган ғалабалари билан мақтанган. Шунингдек русларнинг ёрдами билан мамлакатдаги кўзғолонлар бостирилгандан сўнг амир Музаффар давлат ишлари билан шуғулланмай, бекорчиликка берилиб ҳаёт кечиргани ҳам қайд етилган.

Мирзо Сомийнинг қолган икки асари насрий тарзда ёзилган бўлиб, “Тухфаи шоҳий” (Шоҳлар тухфаси)1899/1900-1902/1903, “Тарихи салотини манғития”(Манғит ҳукмдорлари тарихи) 1906-1907 йилларда ёзилган. Бу икки йилнома айнан бир даврни, яъни Бухоро амирлигида манғитлар сулоласининг ҳукмронлиги даврини ёритади. Бу асарларда асосан амир Музаффар даврида бўлиб ўтган воқеалар акс этган бўлсада, бу икки асар ўртасида сезиларли тафовут мавжуд².

“Тухфаи шоҳий” сарой тарихнависи аъёнлари асосида ёзилган бўлиб, унда ҳукмдорлар, уларнинг аждодлари ва шу ҳукмдорларнинг амаллари кўкларга кўтарилиб, мақтаб ёзилади. “Тарихи салотини манғития” эса кескин муҳолифатчилик кайфиятида ёзилган. Шу сабабли биринчи асар илм-фанда тарихнинг “расмий”, иккинчиси эса “махфий” тарих сифатида маълум. “Расмий тарих” ҳажми жиҳатидан иккинчи асарга нисбатан каттароқ. Жумладан, унда анча аввал бўлиб ўтган кўп сонли феодалларнинг кўзғолонлар ҳақида ҳам ёзилган.

“Тухфаи шоҳий”нинг матни ананавий кириш сўзлар билан бошланиб, муаллиф унда икки турдаги илмга юқори баҳо беради: 1. тарих; 2. луғатшунослик. Муаллиф ёшлигиданоқ бу илмларга қизиқганини айтиб, тарихий асарларни бир қанчасини санаб ўтади. Шундан сўнг Сомий бу асарни ёзишига туртки бўлган сабабни, яъни Абулфайзхоннинг тахтга чиққан(1711-1747) даврдан то ўзи яшаган йилларгача бўлган вақт оралиғида

¹ Воҳидов Р., Маҳмудов М., Устод Айний сабоқлари. Т;Фан.,2004. Б.17.

² Епифанова Л.М. Рукописные источники Средней Азии периода присоединения ее к России. Т;1965.Б.25.

Мовароуннаҳр ҳукмдорларининг тарихига оид асар йўқ эканлигини айтади. Шунингдек у ўз асарини Муҳаммад Раҳим Баходирхондан(1753-1758) то амир Абдулаҳад(1885-1910) ҳукмронлик йилларигача Бухоро амирлигида бўлиб ўтган воқеаларни акс эттиришга қарор қилганини ёзади. Сомий асаридаги воқеалар баёнини манғитлар сулоласидан эмас, балки улардан олдинги сулола вакиллари бўлмиш аштархонийлар Убайдуллахон(1702-1711) ва Абулфайзхон (1711-1747)дан бошлайди.

Асарнинг қарийб ярми, яъни амир Насруллонинг(1826-1860) ҳукмронлигигача бўлган малумотлар компилятив ҳисобланади. Аммо Сомий Ўрта Осиё тарихшунослигидан яхшигина хабардор эканлиги инобатга олинса, асарни ёзишда фойдаланилган компилятив қисм ҳам тадқиқотчилар учун анча қизиқарлидир.

Шунингдек асарда илк манғит ҳукмдорларининг ҳокимият тепасига келиши, уларнинг кўзғолон кўтарган бекликлар билан олиб борган курашлари, кўшни худудларнинг босиб олиниши, марказий ҳокимиятни кучайтириш йўлидаги ҳаракатлари ҳам баён етилган. Сомий амир Музаффар(1860-1885) ҳукмронлик йилларига тўхталар эка, уни кўкларга кўтариб, олқишлаб таърифлайди. Асарда Тошкентнинг руслар томонидан босиб олиниши, шаҳар ҳимоячиси Алимкулнинг қаршилик кўрсатиши, Бухоро амирлигига тегишли бўлган Хўжанд ва Чордаранинг (Сомийнинг ёзишича Туркистоннинг чегараси айнан шу ердан бошланган) эгалланиши ёзилган. Шу билан бирга асарда русларнинг Бухоро амирлиги шаҳарларини босиб олиши, руҳонийлар қатламининг умумий душманга қарши курашда аҳоли ўртасида “ғазовот” ғоясини кенг ёйиши, Майдаюлғунда бўлиб ўтган жанг, Жиззах ва Самарқанд учун бўлган жанглар кенг ёритилган. Сомий амир Музаффарни катта ўғли Абдумалик тўранинг қаршилик ҳаракатини ҳам батафсил ёритган¹.

Асар охирида муаллиф амир Музаффарнинг вафоти ва амир Абдулаҳаднинг (1885-1910) тахтга кўтарилиши, амир Музаффарнинг ёшлигида вафот этган ва вафоти вақтида ҳаёт бўлган 11 нафар ўғлини исмлари билан санаб ўтади. Муаллиф асарда амир Абдулаҳад даврида бўлиб ўтган воқеаларга тўхталмайди, оммо асар ёзиб тугалланган вақтда амирнинг ҳукмронлик йилларига 14 йил тўлди деб ёзади. У амирни адолатли, унинг ҳукмронлик йиллари фаровонликда, кўзғолон ва ғалаёнларсиз ўтди деб ёзади.

“Тухфаи шоҳий” асари амирнинг буюртмасига биноан ёзилмаган, яъни муаллифнинг шахсий ташаббуси билан ёзилган бўлсада асарнинг кириш қисмидаги маълумотлардан кўриниб турибдики асар сарой аҳли ва айниқса ҳукмдорга маълум бўлишига умид боғланган.

Мирзо Сомийнинг XIX аср охири XX бошидаги Бухоро тарихини ёритувчи яна бир асари бу “Тарихи салотини манғития” асаридир. Юқорида айтиб ўтганимиздек бу асар манғит ҳукмдорларининг “махфий тарихи”

¹ Епифанова Л.М. Рукописные источники Средней Азии периода присоединения ее к России. Т;1965.Б.27.

бўлиб, у оппозицион руҳда ёзилган. Чунки унда расмий тарихда учрайдиган амирларнинг олқишланиши ва кўкларга кўтарилиши кам учратамиз. Унда воқеалар ривожини “Тухфаи шоҳий” даги каби хронологик кетма-кетликда баён этилган. Аммо ундан фарқли томони шундаки Сомий бу асарда манғит хукмдорларининг камчиликлари ва иллатларини фош этган. Расмий тарихда қандайдир сабаблар билан оқланган айрим воқеалар бу асарда қораланади. Масалан, амир Насруллонинг тахтни эгаллаш учун оға-иниларини ҳалок қилишдан ҳам қайтмагани, амир Музаффарни эса қаттиққўл ва Қўқонни босиб олишда унинг оғир ҳамда ночор аҳволдан фойдаланганини ёзади. Ваҳоланки айти шу пайт Токент аҳли ундан шаҳар ҳимояси учун ёрдам юборишни сўраган эди.

“Тарихи салотини манғития” да амирликнинг ҳарбий ва иқтисодий қолоқлиги, амир аскарларининг ҳатто кўпчилиги умрида ўқ овозини ҳам эшитмаганлиги ёзилади. Сомийнинг бу асари муҳолифат кайфиятидаги тор доира аҳли учун ёзилган бўлиб, ўша пайтдаги шароитда бу асар, шусиз ҳам аҳволи оғир бўлган Сомийнинг бошига кўп қулфатлар келтириши мумкин эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Мирзо Сомийнинг бу уччала асари Бухоронинг сўнгги ўрта асрлар тарихини ўрганишда улкан қийматга эга. Мазкур асарлар таҳлили жараёнида шундай умумийликни кўриш мумкинки, бу Мирзо Сомийнинг асосан ўз асарларида сиёсий ҳаётни, айтиқса хукмдорлар олиёб борган сиёсатни, уларнинг шахсий фазилатлари, умуман, юқори доираларда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни ёритганидир. Бунга асосий сабаб унинг кўп йиллар давомида сарой хизматида, айнан шу доира вакиллари орасида яшаганлиги бўлиши мумкин. Воқеалар таҳлилида у ихтимойий ёхуд хўжалик ҳаётга оид масалаларга кам тўхталади. Унинг айнан шу жиҳати ҳам ўзига замондош бўлган бошқа тарихчилардан яққол ажратиб туради.

ПЕЧАТИ БУХАРСКОГО ХАНСТВА В КОЛЛЕКЦИЯХ МУЗЕЕВ УЗБЕКИСТАНА И СНГ¹

*Курбанов Г.Н.
БухГУ к.и.н., доцент*

Сфрагистика или сигиллография – вспомогательная историческая дисциплина, изучающая печати. Печатью в сфрагистике называют штамп, вырезанный или выгравированный на твердом материале (дереве, камне, кости, металле), а также оттиск штампа, сделанный на воске, сургуче и при помощи красок на бумаге.

¹ Статья основана на исследованиях автора, проведенных в 1980-90-х гг. в Государственном музее истории народов Узбекистана (Ташкент), в Музее культуры народов Узбекистана (Самарканд), Государственного Эрмитажа (Санкт-Петербург), Государственного Исторического музея (Москва), Государственного Музея Изобразительных Искусств имени А.С. Пушкина (Москва)